

## » ILM SARHADLARIDA

# МУЛОҚОТ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Республика ёш олимлар кенгаши ташаббуси билан “Ёшлар билан мулоқот: муаммо ва ечимлар” мавзuida халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Мавзу ҳам юртимиз, ҳам хориж тажрибаси асосида таҳлил қилиниб, яқдил таклифлар айтилди.

Анжуманни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бош мутахассиси Анвар Мўминов ёшлар бандлигини таъминлашнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаси билан очиб берди.

— Тан олиш керак, илгари корхона, коллеж ва битирувчи ўртасидаги

шартномалар хўжакурсинга тузиларди, — таъкидлади мутахассис. — Энди бундай ҳолатларга йўл қўйилмайди. Коллежни тамомлаган ёшларнинг ишга жойлашиш даражасини доимий мониторинг қилиб бориш мақсадида college.mehnat.uz, талабалар учун otm.mehnat.uz, Қуролли кучлардан захирага бўшатишга йиғиларга мўлжаллаб эса, military.mehnat.uz автоматлаштирилган ахборот тизимлари яратилди.

Конференция доирасида талабалар илмий ишланмалари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Намойиш этилган экспонатлар бир-биридан қизиқарли. Масалан, Тошкент шаҳридаги Турин



Р.НАЗАРМАТОВ

политехника университетиди ўқийдиган Мардон Холмирзаев ернинг сувсизланишини эрта аниқлаш ҳамда томчилатиб сўғориш технологиясини яратган. Инновация бободоҳқонларимиз учун аини мудоао.

Ёш новаторлар кўргазмада фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, табиати муҳофазат қилишга доир ишланмаларини ҳам тақдим этди.

Яқли йиғилишдан сўнг конференция иштирокчилари шўбларга ажралди. Ёшлар муаммоларини ҳал этишда институционал ҳамкорликни ривожлантириш, уларни ахборот ва психологик хуржлардан ҳимоя қилиш,

маънавиятини юксалтириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби долзарб масалалар бўйича баҳс-мунозарлар кун бўйи давом этди.

— Шўблар бўйича ҳаммаси бўлиб 670 дан зиёд мақола қабул қилганмиз, — деди Ёш олимлар кенгаши раиси Камолидин Мирзааҳмедов. — Муаллифлари орасида чет элда таълим олаётган тендошларимиз ҳам бор. Мақолаларга қўйилган асосий талаб шуки, уларда муаммо билан бирга ечим ҳам айтилиши керак. Материаллар тўплам ҳолида чоп этилмайди, балки интернет сайтимиз ҳамда

ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизга электрон форматда жойлаштирилади.

**P.S:** Илми юксак ёшларнинг бир даврада жам бўлиши яхши, албатта. Аммо бу галги конференцияни бошдан-охиригача кузатиб, таъбимиз бироз хира торти. Соҳа мутахассисларининг фикрича, у белгиланган стандартларга мувофиқ келмаган. Баъзи маърузачилар эса, мавзу бир ёқда қолиб, бошқа томонларга “ўтлаб” кетаверган. Умид қиламизки, келгусида ташкилотчилар бундай камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймайди.

Нозима МИЯССАРОВА

## ХАБАРЛАР ХАБАРЛАР ХАБАРЛАР

**22 январда** Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, 24 январда Иқтисодий процессуал, 25 январда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекслари тасдиқланди.

\*\*\*

**23 январь** куни давлатимиз раҳбари “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади.

\*\*\*

**25 январда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти тизимида геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари самарадорлиги, ёқилги материаллари билан ички эҳтиёжни таъминлашнинг аҳоли, тизимдаги истиқболли вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ўтказди.

\*\*\*

**26 январь** куни Президент раислигида Навоий кон-металлургия комбинати томонидан 2026 йилгача қуриладиган янги ишлаб чиқариш қувватларини кафолатланган электр энергияси билан таъминлаш дастурини амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

## » BUGUNNING GAPI

# БЕТАКРОР FOЯЛАР САРА ФИКРЛАР

## инобатга олинмоқда



Tashabbus va  
loyihalash  
yo'nalishi sardori

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## » MUNOSABAT

# МУҲИМ МЕХАНИЗМ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

Давлатимиз томонидан маҳаллий фармацевтика sanoatini ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муқояса қилиб кўринг: мустақилликнинг илк даврида юртимизда атиги иккита тармоқ корхонаси фаолият кўрсатиб, 30 га яқин дори препарати ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунда фармацевтика корхоналари сони 145, маҳсулотлар ассортименти эса 2 минг 100 тага етган.

Президентимиз жорий йил 23 январь куни имзолаган “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга кўра, бундан буён маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми ва рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шароитлар яратилиб, республикага хориждан дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларни олиб кириш тартиби янада мукаммаллашади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қадоклаш ва маркировкадан бошқа барча технологик босқичлардан ўтган ҳар қандай дори воситаси ёки тиббиёт буюминини “in bulk” ёрлиги билан қайд этиш кўзда тутилган. Бошқача қилиб айтганда, “in bulk” фақат ўрамини ўзимизники бўлган тайёр

хорижий маҳсулотни ифодалаш учун қўлланилади.

Жорий йилнинг 15 апрелидан бошлаб “in bulk” маҳсулотни импорт қилинса ёхуд маҳаллий фармацевтика бозорига тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган маҳаллий маҳсулот мавжуд бўлган тақдирда қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар берилмайди.

Айтиш керак, Президент қарорига белгиланган вазифалар аҳоли моддий манфаатларига ҳам жавоб беради. Биргина рақамга эътибор беринг: маҳаллий дори воситалари ва тиббий буюмларнинг маҳаллий дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чекланган нархларда сотувга чиқарилиши эвазига ўтган йилги нарх-наво 2016 йил билан солиштирилганда 8 фоиздан 44 фоизга пасайган. Ишончимиз комилки, мазкур тенденция бундан кейин ҳам давом этади.

Албатта, амалга оширилаётган ислохотлардан, аввало, эл фаровонлиги кўзланган. Ушбу ҳаракатлар фуқароларимиз саломатлигини асрашга хизмат қилади, деган умиддамиз

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА,  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
дори воситалари ва тиббий  
техника сифатини назорат  
қилиш бош бошқармаси  
бўлими бошлиғи

# ЯНГИ ХУЖЖАТЛАР ШАРҲИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ҳузурда ташкил этилган пресс-холнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Брифинг тарзида ташкил этилган мазкур тадбирда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ходимларига атрафлича тушунтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Қосимов ушбу хужжатларни шарҳлаб, мамлакатимизда ота-оналар, ўқитувчилар, ёшлар, кенг жамоатчилик фикрини пухта ўрганиш ва таҳлил этишга алоҳида эътибор билан ёндашилганини таъкидлади. Юқорида номи келтирилган фармон асосида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта таълим узлуксиз 11 йиллик

таълим негизиди олиб борилади. Мазкур хужжатга кўра, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-хунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган таълим муддатларида амалга оширилиши кўзда тутилган. Айни пайтда ушбу фармон мавжуд касб-хунар коллежлари фаолиятини оптималлаштириш, кадрларга бўлган реал эҳтиёжни, иш берувчи корхоналар таклифлари асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича касб-хунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш имконини беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасидаги ислохотлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, малакаси ва тезкорлигини оширишдек мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбарининг “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тез тиббий ёрдам самарадорлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Унга кўра, эндиликда мулк шаклидан қатъи назар, тегишли вазиятларда тиббиёт муассасаларининг барчаси беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатади. Малакали тез тиббий ёрдам кўрсатишни рад этиш қонун бўйича тақиқланади. Қарорда, шунингдек, тиббиётнинг мазкур тезкор тизимини энг замонавий алоқа ва техника воситалари билан таъминлаш, бирдамчи тиббий ёрдам муддатини янада қисқартириш, унинг сифатини яхшилаш, бу борада илгор иш ўсишларини жорий этиш билан боғлиқ амалий чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мазкур хужжатлар аҳоли барча қатламларининг манфаатларини таъминлаш, юрдошларимизни кучли ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилади.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

» BOLANING BEGONASI BO'LMAYDI

ЎҚУВЧИ НЕГА ХОРИЖГА КЕТДИ?

Сожида САПАЕВА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Намову ёшлар кенгаши Вакиллари иштирокда Кармана туманидаги умумий ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг давлати текширилди.

Маҳаллий ҳокимлик ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши ҳамкорлигида олиб борилган ўрганишлар давомида айрим болалар дарслари мунтазам равишда ва сабабсиз қолдирилгани, айримлари, ҳатто қонунни четлаб, хорижга ишлаш учун кетгани маълум бўлди. Кармана озиқ-овқат санати ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Асадбек Тураев ўтган йилнинг сентябидан бугун қишида "қорасини" кўрсат-

майди. "Давомат реиди" да қатнашган ишчи гуруҳ аъзолари мазкур ҳолатнинг сабабини аниқлашга киришди. Асадбек Тураевнинг ҳонадонига борди. Наврастанинг отаси ўғли касалхонада эканини айтди. Шундан сўнг мутасаддилар эринмай туман шифохонасига йўл олди. Таасуф! "Қочоқ" ўқувчи у ерда ҳам йўқ экан. Қидирув ишлари давом этмоқда... Кўришиб турибдики, ҳамма ота-оналар ҳам фарзанди таълим-тарбиясига эътибори эмас. Бошқа мисол: юқорида



номи тилга олинган коллежнинг 3-босқич ўқувчиси Фарид Аҳмадов 2016 йилда ўқишни ташлаб, пул топиш илмининг Россия Федерациясига жўнаб кетган. Ўтган йилнинг ноябрида у Ўзбекистонга қайтарилди ва декабрь ойда ўқишга тикланди. Тушунтириш ишлари олиб борилгандан кейин, Фарид хорижга қайтиб кетмасликка ваъда берди, ҳатто жамоатчилик

Юртимизда ҳар бир фуқаронинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, айниқса, ёшларнинг таълим олиб, касб-хунар эгаллаши мақсадида унумли ишлар қилинмоқда. Кимдир бунинг қадрига етиб, яратилган имкониятлардан баҳоли қудрат фойдаланяпти. Фаридга ўшаганлар эса, вақтини зое кетказиш билан банд. Улар фақат бугун билан яшамоқда. Афсуски, эртага нима бўлиши ҳатто ота-онасини қизиқтираётгани йўқ. Аслида пул топиб кел, деб зурриётини ўзга юртларга жўнатаётган ҳам ота-она-ку!

Айни пайтда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Кармана тумани ҳокимлиги ҳамда ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда ўқишни тамомламай, ноқонуний равишда хорижга кетган йигитларни орқага қайтариш чоралари кўрилмоқда.

» ХОТИРА MANGU, QADR MUQADDAS

Бекзод ҚОДИРОВ

"Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятининг 1-навли прокат цехига "Ислом Каримов — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси" мавзусига давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЭЗГУ ИШЛАРИ ДИМЛАРДА



Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов бағишланган тадбирда қорхона ишчи-ходимлари, хусусан, ёшлар қатнашди.

Меҳмон сифатида тақлиф этилган Республика маънавият ва маърифат марказининг Бекобод шаҳар бўлими раҳбари, шунингдек, маҳаллий даврий нашрлар ижодкорлари Ислом Каримовнинг сиёсий фаолияти, олиб борган улкан ислохотлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, она Ватанимизнинг халққаро ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқени юксалтиришга доир ташаббуслари хусусида сўз юритди. Истиқлолимиз меймюрининг хотирасини абадийлаштириш юзасидан республиканинг бугунги раҳбарияти томонидан қилинаётган эзгу ишлар алоҳида тилга олинди. Сўнгра комбинатнинг меҳнат жамоаси вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Бундай давра суҳбатларини бошқа ишлаб чиқариш цехларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

» ОСИҚ МУЛОҚОТ


ТОМОРҚАСИ БОРНИНГ ИСТИҚБОЛИ БОР

Шоди ОТАМУРОД,  
Аҳрор СОДИҚОВ

Саҳна деворигаги ёзув эътибори тортади: "Томорқа — қўшимча даромад манбаи". Остидан саховатли заминимизда етиштирилаётган сархил мева ҳамда сабзавотларнинг суратлари жой олган. Бу сўзу тасвирлар бежиз эмас.

Жиззах шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган осиқ мулоқотда ёш фермерлар қатнашди. Иштирокчилар муаммолари ҳақида гапириб, жуда ўринли тақлиф ва эътирозларни ўртага ташлади. Уларни Жиззах вилояти ҳокимлиги, солиқ ҳамда ветеринария бошқармалари, Марказий банк мутасаддилари, вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш фермерлар кенгаши раҳбарлари жон қўлоғи билан эшитди. — Фермер хўжалигини кўп тармоқлига айлантириш керак, — дейди зафарободлик Фахриддин Ҳасанов. — Кредит олишимда амалий ёрдам берсангиз қолаверса, юртимизга жалб этилаётган хорижий инвесторлар билан биз, ёш фермерлар ҳам учрашасан дегандим. Улар билан ҳамкорлик ўрна-

тиб, тажриба алмашиш фойдалан ҳол бўлмайди. Кредит масаласи жойида ҳал этилди. Марказий банк вилоят бошқармасининг масъул ходими ёрдам беришини айтди. Жиззах туманидаги маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчиси Жавоҳир Маматқулов ҳам гапни чўзиб ўтирмай, дарҳол мақсадга ўтақолди: "Темирчилик устахонасини ташкил этмоқчиман, — дейди у. — Менга беш сотих жой ҳамда 50 миллион сўм миқдорда маблағ керак". Йигитнинг ташаббуси маҳаллий ҳокимлик вакилларига манзур келди. Устахона, албатта, ишга тушади! — Фермер хўжалигимиз Шароф Рашидов тумани ҳудудида, иккита контурда жойлашган эди, — сўз бошлади умидли тадбиркор Умид Эшонқулов. — Даланинг тепа қисмига сув



бормайди. Тупроқнинг мелиоратив ҳолати жуда ёмонлашгани боис, пахта ва галла режасини бажаролмасдик. Натижада, туман ҳокимлиги ерни қайтариб олди. Аммо ҳозир мен шу жойда 55 та зотдор мол, 50 та от, сут берадиган 100 та оқ эчки боқяпман. Ҳатто тўрт сотих майдондаги ҳовузда балиқчиликни ташкил қилдик. Ўрдагу фозлар, товуклар ҳам бор. Эндиликда туя кўпайтириш керак. Менга ер керак. Ҳокимга бир неча мартаба мурожаат қилдим. Аммо у тўнини теккари кийиб олган.

Яна бир тадбиркор Улуғбек Мамадиёров 50 сотих жойда иссиқхона, шунингдек, 400 тонналик музлаткич омбори қуриш нияти борлигини, бунинг учун сармоияни қайси манбалардан жалб этиш мумкинлиги билан қизиқди. — Соя етиштиришни йўлга қўймоқчиман, — дейди Галлаорол туманидаги "Ният-орзу" фермер хўжалиги раҳбари Акбарали Орзиқулов. — Йўл-йўригини кўрсатсангиз. Яна бир гап: далага кириб, эндигина ишга киришман деганда туман идорасига йиғилиш-

га чақириб қолишди. Бу ҳол кўп такрорланмоқда. Мажлисбозликнинг кимга кераги бор?! Ўтган вақтимга ачинаман. Осиқ мулоқотда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чоратадбирлар яқинда қабул қилинган Давлат дастурида ўз ифодасини топгани таъкидланди. Тадбир сўнгида ёш, илгор фермерлардан Музаффар Нуруллаев, Ҳаким Иброҳимов, Ўткир Исоқов, Акбар Аҳмедов, Асия Қазратқулов Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши томонидан тақдирланди. \*\*\* Ёш фермерлар билан мулоқот Қашқадарь вилоятида ҳам ўтказилди. Қарши давлат университетда 200 нафар ёш, шу билан бирга, ўз соҳасида салмоқли тажриба тўплаган фермер ва томорқа ер эгаси жам бўлди. "Томорқа — қўшимча даромад манбаи" мавзусидаги давра суҳбатлари Президентимизнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ҳамда 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб республикамизнинг барча ҳудудла-

рида ташкил қилинмоқда. Аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш, жумладан, цитрус мевалар етиштиришга мўлжалланган ихчам иссиқхоналар барпо этиш, ёнғоқ, унаби каби юқори ҳосилдорликка эга экинларга алоҳида эътибор қаратиш, соҳада замонавий илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш бугунги кунда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар сирасига кирилади. Мулоқот давомида томорқа ер эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу аснода аҳоли учун қўшимча даромад манбаларини яратиш масалалари атрофида муҳокама қилиниб, керакли тавсиялар берилди. — Бугунги тадбирга атайин мутафаккирга эришган фермер-деҳқонлар ҳамда олимларни тақлиф қилдик, — таъкидлади Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш фермерлар кенгашининг вилоят бўлими раиси Латиф Расулов. — Ахир, уларнинг ҳам ҳаётини, ҳам касбий тажрибаси ёш авлод вакилларига жуда асқатади. Давра суҳбати иштирокчилари томорқа хўжаликларини ривожлантириш юртимиз иқтисодиёти, қолаверса, одамларнинг яшаш шароити ҳамда моддий таъминотини яхшилашга нечоғлиқ хизмат қилишига такроран амин бўлди. Тадбир якунида билдирилган тақлиф-мулоҳазалар умумлаштирилиб, "Йўл харитаси" шаклига келтирилиши айтилди.

» MADANIYAT

ОТАХОН ТЕАТР АКТЁРЛАРИ ХОРАЗМДА

Урганч шаҳридаги Ёшлар марказига Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси томонидан "Тақдир синовлари" спектакли намойиш этилди

Барно ЯКУБОВА

Таниқли драматург Кўчкор Норқобил қаламига мансуб саҳна асари хоразмлик томошабинлар қалбини ларзага солди. Унда афгон уруши фожияси кўрсатиб берилган. Сюжет чизиги марказида қирғинбарот жанг майдонига жигаргўшаларини юборган минглаб ўзбек оилаларининг изтиробини, урушда хизмат қилган йигитларининг тақдири — ҳаётдаги тўб бурилишлар туради. Барча қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини ўта таъсирчан ифода қилган отахон театр актёрларини зал тик туриб оқитишди.



Премьерада вилоят ҳокими Илғизар Собировнинг шахсан ўзи қатнашгани яна бир қувончли ҳодисадир. Спектаклни бир қатор идора ва ташкилотлар мутасаддилари ҳам катта ҳаяжон билан томоша қилди. Якунда ҳоким ажойиб ижро учун Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасига чуқур миннатдорлик билдирди.

» EKOTARG'IBOT

СУҲБАТ МАЗМУНАН БОЙИДИ

Гулноза ЖАЛИЛОВА

"ЭКОСАН" халқаро хайрия жамоат фонди пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 127-умумтаълим мактабига "Экология Ва ёшлар" мавзусига давра суҳбатини ташкил қилди.

Тадбирда халқаро фонднинг Сурхондарь вилояти ҳудудий ташкилоти директори Шокиржон Жўраев ҳамда Тошкент шаҳар филиали раҳбари Мирқарим Мирсовуров иштирок этди. Мутахассислар ёшларга юртимиздаги экологик вазият, унинг аҳоли саломатлигига таъсири, табиати асраш борасида маълумот берди. Давлат буюртмаси асосида тайёрланган мавзуга доир плакатларнинг мазмун-моҳияти ҳам шарҳланди. Ўқувчилар, ҳатто кичик

синфларда ўқиётганлари ҳам, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Суҳбат сўнгида "ЭКОСАН" фонди томонидан эълон қилинган "Табиатни асрайлик!" мавзусидаги кўрик-танлов фойдалари тақдирланди. 1-ўрин Абдусамат Абдувалиевга насиб этди. Шу билан бирга, ташкилотчилар дарсларда намойиш этиш учун мактаб маъмуриятига "Харитага кирмаган саҳро" номли ҳужжатли фильм нусхасини топширди.

» TA'LIM TARAGQIYOTI

ФАОЛ ТАЛАБАЛАР КОРЕЯГА БОРАДИ

Улуғбек ОРИПОВ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига Веб-гастурлаш бўйича семинар-тренинг ўтказилмоқда.

Жанубий Корейнинг етакчи университетлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда икки давлат талабалари ўзaro тажриба алмашмоқда. Ўқув машғулотлари юқори савияда ўтиши учун университетда зарур чоралар кўрилган. Лойиҳа иштирокчилари замонавий ўқув жиҳозлари ва техник воситалар билан таъминланди. 12 нафар жанубий корейлик талабанинг ҳар бирига отахон университетимизда таҳсил олаётган уч нафардан йигит-қиз битиририлиб, алоҳида гуруҳлар шакллантирилди. Ҳар бир жамоа ўз веб-лояҳасини яратиб, тақдимотини ўтказиши керак. Бу, шубҳасизки, ёшларнинг ўзаро қизғин мулоқотга киришишига ёрдам беради.

— Юртингиз шиддат билан ривожланмоқда, — дейди Чонбук миллий университети талабаси Жан Марк. — Ўзбекистон ёшлари анча изланувчан, муҳими, уларда янги ғоялар бор. Одамларнинг илиқ ва дўстона муносабатидан хурсанд бўлдим. Баъзи ўзбекча сўзларни ўргандим. Она тилимгиз жуда гўзал ва ширали экан. Келажада уни мукамал ўрганиб, техникага оид янги адабиётларни ўзбек тилига таржима қилмоқчиман. Семинар-тренинг 29 январгача давом этади. Унда фаол иштирок этган ўзбекистонлик талабалар Жанубий Корей олий ўқув юртинининг магистратура босқичида таълим олиши мумкин.



» ONA TABIAT

# Сурхонгарёга бодом гулмади

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Ажиб ҳодиса герсиз? Арсуски, оқибатлари яхшиликдан дарак бермайди.

Чунки бодом эрта кўкламда куртак ёзади. Ҳозир эса, қиш. Фақат бу фасл юртимизда бироз илик келгани учун кўёш ўз тафтини сира аямайдиган Сурхон заминда бодомнинг бемаҳал гуллаши кузатилади. Айтишларича, қировли кунлар ҳали олдида. Шун-

дай экан, аёз бодом гуллари тўкиб, ҳосилни нобуд қилиши мумкин. Шукрки, боғдорчилик сир-асроридан пухта хабардор бободоҳқонларимиз эҳтиёт чораларини кўриб қўйган. — Боғимизнинг асосий қисми бодомзор, — дейди "Муҳаммади-Содиқ-Сат-

тор" фермер ҳўжалиги раҳбари Камолидин Муҳаммадиев. — Кўчатларни совуқ уриб кетмаслиги учун отам ўргатган қадимги усулдан фойдаланаман. Яъни, кечки пайт шомдан кейин даррахт танаси ва шохларига совуқ сув қуйиб туриш керак. Қолаверса, ҳаво илиганида бодомни ҳафтада икки-уч марта сугориш тавсия қилинади. Шунда у эрта гулмайди. Аждадларимиз бодомни тўкинлик рамзи, деб билган. Уни экатган одамнинг эғнида тоза либос, кўнглида пок ният бўлмоғи даркор. Акс ҳолда, кўчат унмайди ёки умуман, ҳосилга кирмайди. Ана шундай умрбоқий анъаналардан ҳамиша хабардор бўлсак, ўзимизга фойда.

Муҳаммадхон ЮСУПОВ,  
Республика ёш  
ижодкорлар кенгаши аъзоси

Фақат энг покиза туйғулар изҳорга ҳожат сезмайди.

Биринчи сафар уэр сурашнинг ҳожати йўқ. Иккинчи сафар — шарт. Учинчисида эса — бефойда...

Бизни ёмон кўришлари бефарқ бўлишларидан яхшироқ...

Ҳавонинг қадрни бўғилганимизда билинади.

» YOSHLIK ILHOMI

## Она

Дунёда фақат юраги борлар қолсин, дейилди. Мен навбат кутмай утиб кетаётганим, онамга кўзим тушди. Онаминг кўлида юраги бор эди. Ёнига қақриб, қулогимга секин пичирлади: "Ўғлим, сен қолақол..."

## Интернет балоси

"...Чақалоқ теграсида айланаётган қалдирғочга ҳамла қилаётган илон тўсатдан бешик устига тушиб кетди. Дод-фарёд солиб, она у томонга югурди...". Телефон тутган келинчақ уй турида ётган гудагининг йиғисига эътибор ҳам бермади.

## Умидворлик

Она ўғли урушдан қайтар чоғи неварасига деб тиккан нимчасини сандиққа солиб қўйди. Эрталаб почталёон келди. "Қорахат"ни қандай қилиб Рўзи момога беришини билмай, эшик олдида қолдириди...

Раҳмат БОБОЖОН



## "ШОҲ ВА ШОИР МЕРОСИ" ВИКТОРИНАСИ

Мирзо Бобурнинг қайси асари мустабида тузум даврида халқдан яширин тутилиб, истиқлол йилларида нашр этилди?

Жавоблар 31 январгача қабул қилинади.

yoshlarovozi@umail.uz

@yoshlar\_ovoziuz

### 9-сонда эълон қилинган викторина саволининг жавоби қуйидагича:

Энг юқори мансаб — вакил (бош вазир) ўрнига тўртта: девон (молия ва солиқ), мирбаҳши (ҳарбий соҳа), мирсамон (ишлаб чиқариш ва оғирхоналар) ва содарус-судру (диний ишлар) билан шугулланувчи мансабларни жорий қилган ҳамда одатига кўра тонги ибодатдан сўнг сарой болохонасидан халққа кўриниш берадиган бобурий шаҳзоданинг исми — Жалолидин Муҳаммад Акбаршоҳ. Тўғри жавобни Насиба МАРДИЕВА йўллади.

» ASLIYATDAN TARJIMA

Алан МАРШАЛЛ

# Қуёш қўшиғи (ҳикоя)



Инглиз тилидан Қандилат ЮСУПОВА таржимаси.

— Анавини қаранг, ўрдак эмасми? — Қани? — Ҳозиргина сув бетига келиб қўнди. Бир дақиқа шошманг. Мана, энди кўрсангиз бўлади. Эрак қуёш нурида товланиб ётган жойидан хиёл кўтарилди. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган бу австралиялик аскарнинг формаси ёнида ёйилиб ётарди. Болакай эса, ундан сал нарида қаддини тик тутганча узоқларга термулиб турарди. — Ўрдаклар биттами ёки иккитми? — сўради эрак. — Биттага ўхшайди. — Чинданам ўрдакми? — Бўлмаса-чи, нақ ўрдакнинг ўзи-ку! — Бироз кичикроқ эканми? — Ўрдаклар сузаётганида доимо шунақа бўлиб кўринади. Бориб, қуролнингизни олиб келсаммикан-а? — деди сабрсизлик билан болакай. — Ҳа майли, олиб келақол, — изн бери эрак. У бир неча масофа наридаги ўрдакдан кўз узмасди. — Вожаб, ҳамма нарсага иштиёқ билан қарар эканми? Ҳеч нарса ни азаридан қочирмайди-я. Ишончим комил, бу ўрдак боласи, — дерди у ўзига-ўзи. — Энди қуролни олиб келаверайми? — қайта сўради болакай турган ерида тинмай типирчилаб. — Кел, уни яна бир лаҳза томоша қилайлик, — деди эрак. — Қара, у қандай бахтиёр. Худди урушдан катта соғинч ила уйига қайтаётган аскарга ўхшайди. Сен унинг ерга қўнганини кўрдинг-а? — Ҳа-да! У аввал анави ерда учиб юрган. Кейин сувга яқинлашаётганини кўриб қолдим. Энди қуролнингизни олиб келсам ҳам бўлар? — Майли, майли, борақол. Ун-гача мен ўрдакчини томоша қилиб тураман.

Болакай аввал аста-секинлик билан қадам ташлаб, кейин югурганча тепалик устидаги станция томон чо-пиб кетди. Эрак қаддини ростлади. Жажигина ўрдакча унга шу дамда урушнинг қонли манзараларини эс-латиб юборди. — Бу митти жонзот бир аскар бо-шига тушажак кўргуликлардан зи-фирча ҳам таҳликага тушмайди. Унинг учун ҳаёт ва бахт озод пар-воздан иборат! У бобоқўёшнинг ҳароратли қўшиғини тинглаш учун осмону фалакка учиб кетаверади... Ҳатто ажал нафаси уфуриб турган қуюқ чакалакзорлар устидан ҳам қўлоқларини кенг ёйганча эмин-эр-кин парвоз эта олади... Ҳозиргина бўлиб ўтган воқеани ёш аскар яна бир марта кўз унгандан ўтказ-ди. Японлар ярим тунда келиб бўлган экан. Улар аллақачон ерга қўниб, ҳужумга ўтганди. Зимистонда ёғий ас-карлари бирин-кетин сув бетига қал-қиб, кўпайиб борарди. Улар бир-бирига бўлса-да ортга чекинмади. О, бу наъралар... Ўлдирешлар... жон бериб, йиқилаётган одамлар... Собиқ аскар орқасига ўгирилган-кан, ҳалиги болакай қўлида қурол билан ҳалослаб келётганига кўзи тушди. Аскар яна ўрдак томонга боқ-ди. Ўрдакча очик сув қўноғида беҳа-вотир сузиб юарди. Шунда аскар ердан битта тошча олиб, ўрдакчининг ёғинасига улоқтирди. Қуш "пирр" этиб учиб кетди. Бир нафасдан сўнг яна олсироқдаги сув бетига қўрқа-писа қўнди. — Нима қилиб қўйдингиз?! — деди болакай йиғламоқдан бери бўлиб. — Энди биз уни сира тутолмаймиз! Ас-кар индамасдан ердан формасини олди-да, шошимай кийина бошлади. — Йўқ, — деди у хотиржам, — биз уни ҳеч қачон тутга олмас эдик.

» UMR MANZARALARI

# Ким бахтли?!

Азамат ХАЙРУЛЛАЕВ

Автоҳалокатдан кейин йўлнинг оёқ-қўли ҳаракатдан, тили қалимадан қолди. Широкорлар: "Бир умр шол бўлиб қолади", деди. Кўнларнинг бирида ҳамшира уни сайрга олиб чиқди.

Баҳор келиб оппоқ гул-лаган даррахт атрофида арилар учар, эрта тонгда ёққан ёмғирдан сўнг осмон тиниқлашиб қолганди. Бу манзара йигит кўнглида қишнинг совуқ шамоллини уйғотди. Алами келди. Биринчи марта жонига қасд қилишни истайди. Аммо шунга ҳам имкони йўқлигини билиб, сўнгсиз изтироб-да қолди. Ҳамшира аравагани гул-зор олдида тўхтатиб, атир-гул гунчасидан олиб ҳидла-ди. Шу пайт йигитнинг кўзи

ёши эликка бориб қолган, эчки соқоли кимсага туш-ди. Унинг гулзор ичида юр-ганини кўриб, кўксини бир нарса тирнади. Қани энди оёғи соғ бўлса... Гулзордаги одам бирдан сакрай бошлади. Кейин атиргул баргига қўнган ка-палакни қўвишга тушди. Югураётган овози борича алланамалар деб қичқирди. Йигит уни кузатиб турар-кан, ўн қадамча наридаги эшик тепасида "Рухий ка-салликлар бўлими" деган ёзувни кўрди.

» SIZ NIMA DEYSIZ?

# Китоб бериб туринг, қўшнижон!

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ, талаба

Қўшничилик анъаналари халқимиз маънавий бисотининг ажралмас бўлаги саналади. Миллий менталитетимиз шундай — ёчимизгага яхшилик илчамиз, оғирини енгиб қилшга ошқамиз, меҳр кўрсатамиз...



Қўшни ҳам яқин инсондек гап. Яхши қўшни шодон кўнинг-да ҳам, бошга қулфат тушган-да ҳам сиз билан бирга. "Узоқ-даги қариндошдан, яқиндаги

қўшни яхши", деган нақл бежиз айтилмаган, ахир. Кексаликда яққаланиб қолган, эътиборга муҳтож, ноғирон қўшнилар ҳолидан хабар олиш фарзимиз

Исломда ҳам бундай сифатлар улуғланади.

Бир ҳолатга ҳамшира эътибор қаратаман: кўпинча рўзғор учун бирон нарсага фавқулод-да зарурат сезилса ёки қайси-дир маҳсулот тугаб қолса, биринчи навбатда, қўшнингиз юзла-намиз. Шу залда ҳолатимиз чиқади.

Тўй-базм, туғилган кун ёки байрам шодияналари баҳона-сида эса, қўшнилар меҳмонга қақрилади. Либатта, айтилган жойга қуруқ қўл билан бориш одобдан эмас. Бундай пайтда совға-салом ёки мазали егулик-лар улашишга одатланганмиз. Мазкур таомил инсонлар ўрта-сидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни кучайтириши табиий. Аммо уйлаб қарасам, шу чоқ-қаца уйимизга қелган меҳмон-лар, жумладан, қўшниларимиз ҳам бирон марта китоб кўта-риб келмаган экан. Ўзимиз ҳам олиб бормаганимиз-да.

Қизиқ, нега қўшнилар бир-биридан пул ёки қандайдир буюмни қарзга сўрайди-ю, аммо китоб сўраб чиқмайди. Ахир, унинг қадр-қиммати ҳар қандай моддийдан устун-ку? Сиз нима дейсиз, тенгдошим?

» O'QING, BU QIZIQ!

# Инсоннинг "kod"u

Ноирабегим ЖАМОЛОВА тайёрлади.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега қариндошлар бир-бирига ўхшайди? Билсангиз, ҳамма гап инсон ҳужайрасидаги ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) "kod"ларида. ДНКни ўқиб ташқи кўришидан характеримизгача билиб олиш мумкин. Бундай маълумотлар ҳудди компакт дискка ёзилгандай авлогдан - авлогга кўчиб ўтаверади.



ДНК узун толали, зан-жирсимон шаклга эга. У ер юзидаги жамийки жонзот-лар ҳужайрасида мавжуд. Ҳайвонлар ва ўсимликлар-нинг ДНК "код"лари тузили-ши жиҳатидан одамникига ўхшайди. Фақат кетма-кет-лиги бошқа-бошқа.

Кўп ҳолларда яқин қарин-дошлар, айниқса, эгизаклар-нинг ДНК маълумотлари бир-биридан деярли фарқ-ланмайди. Шу тўғрисида сиз-нинг ДНК "код"ларингизга қараб ота-онангизни бе-малол аниқлаш мумкин. Ҳар кун 1 миллиард-га яқин ДНКмиз зарар-ланади. Аммо одам орга-низми ўзини ўзи тиклаш ҳусусиятига эга. Шу ма-нода, "касал" ДНК "код"лари узоққа бор-май "тузалади". Одамдаги барча ДНК то-лалари улаб чиқилса, ойга 8 минг марта бориб келиш мумкин.

» HAYOT SABOG'I

# Хайрли туш

Оғир жангдан сўнг ҳориб, ухлаб қолган аскар ширин туш кўрибди. Тушида уйдан мактуб келганмиш. Қувонч-га тўлиб, уни энди очиб ўқиётганида аскар беҳосдан уйғониб кетибди.

Ҳали тонг отмаган бўлса-да, шартта кийи-ниб, почтахонага йўл олибди. Чиқмаган жон-дан умид, балки онасидан

ростдан ҳам хат келган-дир. Аммо почтачи ҳеч қандай хабар йўқлигини айтди. Аскар умидсизлик-ка тўлиб, ортига қайтди. Қарасаки, у тунаган чай-ла душман ташлаган бом-ба тўғрисида кўнпаякун бўлиб кетган. Ширин туш жонини асраб қолганини англаган аскар Яратганга шукрона айтибди.

# Бесаранжом бека

Бир оила янги уйга кўчиб келибди. Эрталаб хотин дера-задан ташқарига қараса, ён қўшиси кир ёяётган экан. — Тавба, ювган кийимларининг кирлигини, худаям бесаранжом бека экан, — дебди аёл эрига қараб. Эрак бошини газетадан кўтариб индамабди. Ҳар сафар қўшниси кир илганида аёл эрига унинг нуноқлигини айтиб, устидан куладиган бўлибди. Бир кун тонгда у яна ташқарига боқиб ҳайратланибди: — Қаранг, азизим, бугун қўшнимиз ювган кийимлар бир-рам оппоқки! Бўларкан-ку, тозалаб ювса! — Йўқ, онаси, — дебди эр хотиржам. — Шунчаки бугун вақтироқ туриб, деразаларимизни артиб қўйгандим.

Ноирабегим ИБРОҲИМОВА таржимаси.

Аҳамбек АЛИМБЕКОВ

# Бахт

Бахт ҳақида ҳикоя ёзиб бери-ринг, деб сўрашди. Ёзим: "Бахт — бахтсизлигининг бил-масликда".

# Kamma uш

Тугма: "Кичкина дея камсит-манг. Ишим катта — бирлаш-тириш".

# Дўстлик

Бутун олам тортишиш қону-ни. Қонун, лекин ҳеч кимга мажбурият юкламайди. Бусиз оламнинг ўзи мавжуд бўлмай-ди. Одамийлик (дўстлик) ҳам шундай бўлиши даркор.

# Фаввора

Мунча осмонга сапчийсан. Оқибат қайтар жойинг — ер.

# Пушма

Осмон билан Ерни нима боғлайди. Бир-бирисиз мавжуд бўлолмаслик. Ҳақиқий ошиқ қалблар шундай бўлиши керак.

» BIR SHINGIL FALSAFA

**МУАССИС**  
**ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИҲОҚИ**  
**МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
**БОШ МУҲАРРИР**  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**  
Камолидин Бекназаров, Мансур Бекмуродов,  
Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев,  
Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов,  
Нодир Абдуқолиров, Наргиза Умарова – **бош муҳаррир**  
**ўринбосари** ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — **бош муҳаррир ўринбосари** ("Молодежь Узбекистана");  
Санжар Исмаилов – **масъул котиб** ("Yoshlar ovozi");  
Елена Калининна – **масъул котиб** ("Молодежь Узбекистана").

**Дизайнерлар**  
Рўзиев Зафар Хусанович  
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович  
**Навбатчи**  
Нозима Мияссарова

"YOSHLAR OVOZI"дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.  
Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.  
(371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буюртма Г-136.  
Адади — 24352  
Босишга тўғри келган вақти — 21.00  
Толдирилган вақти — 21.50  
Ўқаб қолган вақти — 21.15  
Офсет усулида босилган.